




2022 март

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шарҳи



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент 2022 йил


Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шархи

2022 ЙИЛ МАРТ ОЙИ

Аҳолининг инфляцион кутилмалари

2022 йилнинг март ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича респондентларнинг инфляцион кутилмалари¹ ўтган оидаги кўрсаткичга нисбатан 1,0 фоиз бандга ошиб, 15,0 фоизни ташкил этиб, медиана қиймати² 11,7 фоиз атрофида шаклланди (1-расм).

1-расм. Аҳолининг инфляцион кутилмалари динамикаси, (фоизда)




Инфляцион кутилмалари юқори даражада шаклланаётганлигига қарамасдан, респондентларнинг қўпчилик қисми инфляцияни 9-12 фоиз атрофида бўлишини кутишаётганини билдиришган (2-расм).

¹ Инфляцион кутилмалар – инфляцион кутилмаларнинг турли групдори бўйича мос жавобни белгилаган респондентлар сонининг ўша жавоблар ўртача қийматига кўпайтмалари йиғиндисини жами респондентлар сонига нисбати (ўртача тортилган кўрсаткич).


² Инфляцион кутилмаларнинг медиана қиймати – келгусидаги инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиймат.

2-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Келгуси даврда нархларга оширувчи босим қўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида **валюта курсининг ўзгариши** (54 фоиз), **импорт товарлари ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши** (49 фоиз) ҳамда **нархларнинг сунъий оширилиши** (37 фоиз) мумкинлиги респондентлар томонидан таъкидланган (3-расм).


3-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)



Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари


Март ойи якунлари бўйича келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича тадбиркорлик субъектларининг кутилмалари ҳам ошуви динамикани кўрсатиб, **15,4 фоизгача**, медиана қиймати эса **13,6 фоизгача** юқорилади (4-расм).

4-расм. Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари динамикаси (фоизда)




Инфляцион кутилмаларнинг медиана кўрсаткичи февраль оидаги 11,8 фоизлик кўрсаткичдан 13,6 фоизгача тезлашишига инфляцион кутилмалар бўйича **13-16 фоиз** ва **17-20 фоизлик** жавоблар гурухини танлаган респондентлар сонининг ошиши сабаб бўлди (5-расм).

5-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича респондентларнинг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Келгусида нархлар ошишига асосий омиллар сифатида тадбиркорлик субъектлари томонидан **валюта курсининг ўзгариши** (51 фоиз) **ёқилғи ва транспорт хизматларининг нархлари қимматлашиши** (36 фоиз) ҳамда ташқи иқтисодий шароитлардаги ўзгаришлар натижасида **хориждан импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашиши** (22 фоиз) каби омиллар саналмоқда (б-расм).

6-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)



Шу билан бирга, сўровда қатнашган бизнес вакилларининг **17 фоизи** келгусида **иш ҳақи ва нафақаларнинг ошишини, 14 фоизи** эса **иқтисодиётда рақобат муҳити ёмонлашиши** мумкинлиги таъкидлашган.